



20 20 у « 26 » октябр

№ Қ-1664

« » 20 г

+
Тумандаги “Muzaffar Ergashov 1999” номли
пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер
хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер
майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига,
Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10,
11-моддаларига мувофик, Ер участкалари бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 20 октябрдаги
51-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий
давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб
чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 20 октябрдаги 51-сонли йиғилиш
баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Суванов
Сафар бошлиқ “Muzaffar Ergashov 1999” номли пахта ғаллачиликка
ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга
олинсин ҳамда “Беш қаҳрамон” массиви хўжалик харитасининг 676, 677, 678,
679, 679а-дала контурларидан қўшимча жами 46,52 гектар, шундан
44,80 гектар сувли, 1,41 гектар гектар ариқ, 0,31 йўл ер майдони 40 (қирқ)
йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи
Х.Йўлдошевга туман ер хисботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер
хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга
ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер
хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз ҳохишига кўра тижорат
банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “Muzaffar
Ergashov 1999” пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини
ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга
етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов
зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиги вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров



TO'G'RI
ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'R'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR